
ЖОРИЙ ЙИЛДА ВИЛОЯТИМИЗ ФЕРМЕРЛАРИ 310 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ПАХТА ХИРМОНИ ЯРАТИШНИ КЎЗЛАМОҚДАЛАР

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Бувайда туманидаги “Жаннат диёр”, “Кўнғирот замин кўрки”, “Кўлобод барака”, “Турсуной момо Манзура” ва бошқа қатор фермер хўжаликлари дала майдонларида бўлиб, пахта йиғим-теримига киришиш олдидаги сўнги агротехник тадбирларни тўғри амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Ўза майдонларини дефолиациялашни ўзанинг биологик етилганлигига қараб ўз муддатида ва сифатли ўтказиш, қўлланиладиган дефолиантларни тўғри танлаш бўйича мутасаддиларга тавсиялар берилди.

Маълумот ўрнида, жорий йил вилоятда жами 77 минг 830 гектар майдонда ўза парвариш қилинмоқда. Ушбу майдонлардан ўртача 40 центнердан 311 минг тонна пахта хом ашёси етиштириш режалаштирилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-08 00:07:11